

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**390 Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган
аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тарти-
бини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 748-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 сентябрдаги ПФ-4245-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 17 мартдаги ПФ-2246-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 31 майда 1208/01, 973/02 ва 44-сон билан тасдиқланган Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби (рўйхат рақами 748, 1999 йил 16 июнь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 июль,
26-қ/қ-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 июль,
66-сон

29 (685)-сон

— 45 —

390-391-моддалар

Келишилган:

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2015 йил июль

*Бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси ижро этувчи директорининг
биринчи ўринбосари*

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ

2015 йил июль